



LEGAL PROBLEMS RELATED TO THE ACTIVITIES OF THE ENFORCEMENT AGENCIES AS A FACTOR IN THE EMERGENCE OF CORRUPT RELATIONS

Sultanmurad Samandarovich Iskandarov

listener

Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: corruption, bureau, state executive, vice, honesty vaccine, fine, legal expertise, corruption factors.

Received: 02.06.24

Accepted: 04.06.24

Published: 06.06.24

Abstract: Through this scientific article, the measures to identify and eliminate corrupt norms in the legislation related to the activities of the bodies of the Enforcement Bureau, as well as the procedure and necessity of conducting an anti-corruption expert examination of the regulatory legal documents in the field, as well as the measures to identify and eliminate the corrupt factors in the activity of the MIB in detail.

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКДАГИ МУАММОЛАР КОРРУПЦИОН МУНОСАБАТЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Султонмурод Самандарович Искандаров

тингловчи

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: коррупция, бюро, давлат ижрочиси, иллат, ҳалоллик вакцинаси, жарима, ҳуқуқий экспертиза, коррупциявий омиллар.

Аннотация: Мазкур илмий мақола орқали Мажбурий ижро бюроси органлари фаолиятига оид қонунчиликдаги коррупцион нормаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек соҳавий норматив ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби ва зарурати, МИБ фаолиятидаги коррупцион омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш чоратadbirlari атрофлича ёритилган.

**ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ
ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ, КАК ФАКТОР ВОЗНИКНОВЕНИЯ
КОРРУПЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ**

Султанмурад Самандарович Искандаров

слушатель

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: коррупция, бюро, государственный исполнитель, порок, вакцина честности, штраф, юридическая экспертиза, коррупционные факторы.

Аннотация: В данной научной статье рассмотрены меры по выявлению и устранению коррупционных норм в законодательстве, связанных с деятельностью органов исполнительного бюро, а также порядок и необходимость проведения антикоррупционной экспертизы нормативных правовых документов в законодательстве области, а также подробно рассмотрены меры по выявлению и устранению коррупционных факторов в деятельности МИБ.

КИРИШ

Юртимизда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар замирида мамлакатимиз учун коррупцияга қарши курашиш асосий аҳамиятга эга вазифалардан бирига айланди. Чунки, коррупция нафақат демократиянинг, умуман ҳар қандай тараққиётнинг кушандаси экани бутун жаҳонга маълум.

Коррупция — шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш эканлигини хаттоки, ёш авлодларимиз ҳам мактабданок тушуниб етмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Коррупция лотинча “*corruptio*” сўзидан олинган бўлиб, “*емирилиш*”, “*бузилиш*” деган маъноларни англатади. Коррупция сўзининг ижтимоий кўриниши “*хокимиятни бузиш, чиритиш оркали сотиб олиш*” деган маънони беради.

Коррупциянинг қуйидаги турлари мавжуд:

Маиший коррупция, бу давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.

Бизнесдаги коррупция, тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлардаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар.

Ҳокимиятдаги коррупция, бу давлат ҳокимият органларида мансабдор шахслари томонидан содир қилинадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик. Бизнинг мавзуйимиз ҳам мазкур учинчи туридаги коррупцияларнинг олдини олишдир.

Маълумот ўрнида **Исроил давлатининг 5-Бош вазири Голда Меир хонимнинг** қолдирган шундай васиятларини келтириб ўтаемиз:

“... Агар Сиз ўғил-қизлари унга доимо қайтадиган, аҳолиси ундан фақат таътил мавсумидагина четга чиқадиган, унинг ҳудудида келажак учун кўрқув ҳисси бўлмайдиган Ватан қурмоқчи экансиз, қуйидаги икки қадамни қўйинг:

Биринчидан, коррупцияни ватанга хоинликка, коррупционерни эса энг ашаддий сотқинга тенглаштиринг.

Иккинчидан, ҳарбийлар, ўқитувчилар ва шифокорларни энг катта маош тўланадиган касб эгаларига айлантинг.

Энг муҳими, меҳнат қилинг, меҳнат қилинг ва меҳнат қилинг. Негаки, Сизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ҳимоя қилмайди, боқмайди. Сизнинг Ватан

ўзингиздан бошқага керак эмас. Агар, ана шу айтганларим оддий сўз ва шиор бўлиб қолмасдан, турмуш тарзингизга айланса, Сиз ўз мақсадингизга эришган бўласиз”.

Афсус ва надоматлар бўлсинки айнан мана шу касб эгаларидан ўқитувчи ва шифокорлар шунингдек ҲМҚО лари ходимларининг ойлиги бизда ҳалигача паст даражада сақланиб турибди. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларни жаҳон стандартлари даражасида қабул қилиниб, ҳуқуқий механизмлари яратилган бўлсада. Қонунларимиздаги ноаниқликлар ва бири иккинчисини инкор этадиган нормаларнинг мавдудлиги давлатимизда коррупцияни олдини олишга етарли бўлмаяпти.

Шу боис ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этишда жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш ва инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш каби ғояларга таянилмоқда. Коррупция эса бу йўлдаги ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган иллат бўлиб қолмоқда. Коррупцияга қарши курашишда ислохотлар кетаётган даврда ўз вақтида профилактик чораларни кўрилмаслиги, жамиятда норозилик кайфиятини кучайтириш, аҳолининг давлат ва ислохотларга ишончини сўндириши билан ғоят хатарлидир.

Коррупция даражасини қисқартиришга турли омиллар таъсир кўрсатади. Айрим қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида коррупциявий нормаларнинг мавжудлиги ва ушбу қоидалар амалиётга жорий этилиши фикримизга мисол бўла олади.

Биз таҳлил қиладиган мавзу - Мажбурий ижро бюроси органлари фаолиятидаги коррупция муаммолари ва унга қарши курашишни такомиллаштириш масалаларига

қаратилган. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, коррупция фақат мансабдор шахсларнинг нафсига қул бўлиши оқибатида юз бермаслигини тушуниб етишимиз керак.

Қабул қилинаётган ҳар бир қонун халққа ҳам давлатга ҳам бирдек хизмат қиладиган даражадаги нормаларнинг тенглигига таяниш керак. Қонунлар муайян соҳани тартибга солишга қаратилар экан, демак бу қонунлар давлатга, халққа умуман инсонларга қандайдир ҳуқуқни амалга ошириш имкониятини ёқи қайсидир ноҳўя хатти-ҳаракатлардан тийилишни таъминлашга қаратилган бўлиши шарт. Ҳар қандай қонун нормаларида англашилмовчилик ва коррупцион ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлигига қаратилган ноаниқликлар бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида ижро иши “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ юритилади. Мазкур қонуннинг коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш ишлари ҳали ўтказилмаган кўринади. Мазкур қонун ижро иш юритувини тартибга солиш талабларига кундан кунга жавоб беролмай қолаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Бюронинг ижро ҳаракатларини шу қонун асосида олиб борилишини ва қонунда қандай нормалар мавжудлигини жамоатчилик тушунмаслиги сабабли ижро ишини айрим муаммоларсиз бажаришга эришилмоқда. Бирок, юқори суратларда ривожланаётган жамиятимизни ушбу қонун қабул қилинган даврдаги шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини бугунги кун фуқаролари билан солиштириб бўлмайди. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳам кун сайин ошиб бормоқда.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “**Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида**”ги 09.01.2019 йилдаги ПФ-5618-сон Фармони ижросининг самараси дейишимиз мумкин. Қонунларни анализ- синтез қилиб амалиётга жорий этиш салоҳиятига эга бўлган ёш ҳуқуқшунос кадрларимиз сони кўпаймоқда. Ушбу қонун тўғрисида кенг жамоатчиликнинг фикр ва эътирозлари муҳокамаси таҳлили янги таҳрирдаги қонун қабул қилишни ёқи **Жиноят-ижроия кодексига** ўхшаган алоҳида **Мажбурий ижро иши юритуви тўғрисида кодекс** қабул қилиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мазкур қонунда белгиланмаган қатор камчиликлар мавжуд уларни қуйида келтириб ўтамыз:

- ижро иши юритувининг принциплар мавжуд эмаслиги;
- давлат ижрочисининг ҳуқуқ ва ваколатлари алоҳида моддаларда ажратиб белгиланмаганлиги (*81-модда давлат ижрочисининг ҳуқуқлари*);
- оммавий ахборот воситаларининг мажбурий ижро ҳаракатларида иштирок этиши мумкинлиги;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ижро иши юритишда иштирок этиши;
- ҳамкор ташкилотларга ижро иши юритувида узрсиз сабаблар билан иштирок этмаганлиги учун ҳеч қандай таъсир чорасини қўллаш имкониятининг йўқлиги, (*103-мез ёдам, 102 -ИИО ФМБ, 101-ЁХБ*);
- жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилмаганлиги каби қоидаларнинг акс эттирилмаганлигидир.

Ижро иши юритувига оид қонунчиликдаги бундай муаммолар коррупцион муносабатлар юзага келишининг омили ҳисобланадими?

Мазкур муаммолар ижро иши юритувида коррупцион муносабатларни содир этилишига замин яратиб бериши мумкин.

Ушбу қонунга 2001 йилда қабул қилингандан буён кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ижро иши юритувига оид ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқларини паймол қилувчи нормаларга асосланмаслиги лозим. Сабаби, мажбурий ижро ҳаракатлари бир томоннинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклашнинг якунинг босқичи ҳисобланади. Бу босқичда МИБнинг давлат ижрочилари иккинчи томоннинг ҳуқуқларига путур етказмаслиги шарт. Биз амалиётчи ходим сифатида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун моддаларида коррупцион нормалар йўқ деб айта олмаймиз.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосланган ҳолда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда нормаларнинг **барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллардан** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Буларга мисол сифатида фуқароларнинг турар жой ва мулк ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминловчи қонун ҳужжатлар билан зиддиятларнинг мавжудлиги.

Шунингдек, **ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар сифатида** – вазифа ёки топшириқни бажариш учун давлат ижрочисидан етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги. Давлат ижрочисининг мажбурий ижро фаолиятида қийинчиликлар туғдиради. Натижада, ундирувчи тараф билан яқин муносабатга киришига олиб келади.

Мисол тариқасида ижро этиш жойига боришга ҳар битта ижрочи МИБ ходими эканлигини аниқлашчи махсус чироқли сигналларга, бўёқларнинг рангли график схемаларига эга бўлган автотранспорт воситалари, шунингдек, бошқа махсус воситалар

билан таъминланмаган. Натижада давлат ижрочиси томонидан ундирувчига транспорт воситаси билан келиб олиб кетиш мажбуриятини юклайди. Бу каби ҳолатлар ижрочининг талаби билан эмас аслида вазият уни шунга мажбур қилганлигидан. Амалдаги қонун ҳужжатлари асосида мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари махсус хизмат автомашинаси ёки мотоциклар билан тўлиқ таъминланмаганлигидандир.

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омилларга – вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги. Масалан, қонуннинг 23-моддаси 3-қисмида давлат ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан **кўпи билан ўн беш кун муддат белгилайди**. Мазкур нормани ижрочи ҳар бир қарздорга коррупцион вазиятлардан келиб чиқиб 3 кун, 5 кун ёки 10 кун ҳам белгилаш ваколати берилган. Бу каби ҳолатлар ижрочининг кайфиятига ёки қарздорнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлмаслиги учун 23 модданинг 3 қисмидаги ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий бажариш муддатини аниқ вақт режимида 15 кун этиб белгилаб қўйиш лозим.

Қолаверса ушбу модданинг 4 қисмида “Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади”, - деб белгилаб қўйилган бўлсада МИБ ходимлари ундирувчи ва қарздорга ижро ҳужжатларини почтадан ёки бевосита талаб қилганда ҳам бермаслик ҳолатлари амалиётда жуда кўп учрайди. Ахир қарздор ижро ҳужжатлари билан танишиб чиқмаса қандай қилиб ихтиёрий муддатда ижро талабларини бажариши мумкин.

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллардан яна бири **тўлов миқдорлари** аниқ белгиланмаганлиги. Бунга мисол тариқасида Қонуннинг 54-моддаси 3-қисмида давлат ижрочисига *мол-мулкнинг жами қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан ошмаган миқдорда бўлса, баҳоловчи ташилотни жалб этмаган ҳолда мустақил белгилаши мумкин* деган нормани, 66-модда 1-қисмида эса “Ижро ҳужжатлари бўйича қарз тўлиқ узилгунга қадар, қарздорга тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг **кўпи билан эллик фоизи ушлаб қолиниши мумкин**” деган коррупцион ҳаракатларга тортувчи нормалар акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижро иши юритувига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳалари коррупция омилини кетириб чиқарадиган, коррупцион муносабатлар юзага келтирадиган қонунчиликдаги муаммоларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

➤ Жойларда давлат ижрочилари томонидан қўлланилаётган жарималарнинг аниқ ҳисоби юритилмасдан келинмоқда. Мисол сифатида келтиришимиз мумкинки, ички ишлар идораларининг мамурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги малумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизими базаси ҳуқуқбузар ҳақидаги малумотлар ўз вақтида киритилмаяпти.

➤ Давлат ижрочилари томонидан жарималар қўлланиши ва ундирилишининг қонунийлиги устидан доимий назоратни амалга ошириш, уларни аниқ ва ҳаққоний ҳисобини юритиш ҳамда жазога тортилган шахслар ҳақидаги маълумотларни электрон базага тегишли карточкани тўлдириш орқали ўз вақтида тўлақонли киритиб бориш вазифаси юклатилиши керак. Бунинг учун уларнинг хизмат компьютерларига тегишли дастурий таъминотини ўрнатиш ҳамда белгиланган тартибда шахсий *логин* ва *парол* расмийлаштириш чоралари кўрилиши керак.

Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар сифатида – жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар мавжуд. Мазкур қонуннинг бирорта моддасида жамоатчилик назорати иштироки деган сўз ҳам йўқлигини кўришимиз мумкин. Албатта ижро иши юритувига оид қонунчиликдаги бундай муаммолар коррупцион муносабатлар юзага келишининг омилига айланиши мумкин. Биз амалиётчи ходим сифатида хизмат вазифамизни “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун асосида олиб боришлигимиз натижасида қонуннинг такомиллаштиришга эҳтиёжи борлигини кўряпмиз.

Коррупцияга қарши курашишда илғор тажрибага эга бўлган ҳамда бу борада муваффақиятга эришган айрим хорижий мамлакатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонун билан тартибга солинади. Жумладан, Россия Федерациясининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал қонунида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни кейинчалик йўқ қилиш мақсадида, коррупцияга қарши экспертиза ўтказилиши белгиланган. Бундан ташқари, Корея Республикасининг 2006 йилдаги “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга қарши кураш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссиясига қонун ва уларнинг лойиҳаларидан коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ваколати берилган. Шу билан бирга, Словения Республикасининг “Ҳалоллик ва коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари парламент томонидан кўриб чиқилгунига қадар, Коррупцияга қарши курашиш комиссияси томонидан коррупциянинг олдини олиш ва

манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан ўрганилиб, комиссия хулосасига асосан парламентга юборилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам қонун ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тубдан такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонунининг 25-моддасига биноан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказиш шартлиги белгиланган. Ушбу шартларга кўра, коррупция бўйича экспертизада норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва улар лойиҳаларининг коррупциявий омиллари аниқланиши шарт. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 22 октябрда қабул қилинган ПҚ–5263-сон қарорига асосан илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бунда илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хулосалар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий кўриб чиқиши белгиланди. Адлия вазирлиги томонидан 2021 йилда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра 800 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди. 224 та ёки 28 фоиз ҳужжатда 650 дан ортиқ коррупциявий омиллар аниқланди. 2022 йилда эса 190 та қонунчилик ҳужжатларининг 51 тасида 139 та коррупциявий омиллар аниқланди. 2022 йил давомида ижтимоий ҳимоя, молия ва банк, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда божхона ишига оид 1860 та қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилган.



Экспертиза натижаларига кўра, 238 та ҳужжатда (13 фоиз) ёки экспертизадан ўтказилган жами ҳужжатларнинг 339 та коррупциявий омил аниқлаган.

Тақдимотда кўрсатилганидек, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан **2256 та** лойиҳа коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб уларда коррупциявий омиллар аниқланмаганлиги тўғрисида маълум қилинган бўлсада, ушбу лойиҳалар Адлия вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказилганда **344 та** қонун ҳужжатлари лойиҳасидан **534 та** коррупциявий омиллар аниқланган. Юқоридаги қонунлар ва лойиҳалар турли соҳага оид қонун ҳужжатлари ҳисобланади. Аммо суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасига оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларни ҳам мана шундай коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши керак. Амалдаги қонунчиликка кўра, коррупцияга қарши экспертиза лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи ва лойиҳа ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун келиб тушганда эса адлия органлари томонидан ўтказилади. Шу билан бирга коррупцияга қарши экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи, шунингдек, лойиҳалар келишилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин. Эндиликда лойиҳаларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда жамоатчилик кенг жалб қилинади.

Ижро иши юритувига оид қонунларда коррупцион муносабатлар юзага келишига имкон берувчи нормаларнинг акс эттирилиши, коррупцияга мурасасиз муносабатда бўлиш учун “**ҳалоллик вакцинаси**” билан эмланмаган ҳар қандай бюро ходимини ўз домига тортади. Шунинг учун коррупцияга қарши курашишни аввало қонундаги бўшлиқларни тўлдириш яъни коррупцион нормаларни чиқариб ташлашдан бошлашимиз зарур. Нима учун десангиз, ҳуқуқни амалга оширувчи субъектлардан кўра, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар қонунларни кўпроқ бузади.

Барчамизга маълумки, 2019-2020 йиллар ичида ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга **2 триллион сўм** зарар етказган **1986 нафар** мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бу масала нақадар долзарб эканини бутун жамиятимиз кўриб сезиб турибди. Мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб борилаётгани ҳамда бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолишини, чунки коррупция – бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши мурасасиз кураш олиб бориш.

ХУЛОСА

Ушбу магистрлик иши орқали Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунида айрим коррупцион нормалар акс этганлигини таҳлилий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Ушбу қонун нормалари коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши, бунда ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан қарздорга ижро ҳужжатини талабини ихтиёрий бажариш учун бериладиган муддатни ижро ишининг хусусиятига кўра аниқ белгилаб берилиши, шунингдек, ижро иши юритуви давомида хатланган мол-мулкни мутахассис жалб қилмаган ҳолда давлат ижрочиси мустақил белгилашини назарда тутувчи нормаларни қайтадан кўриб чиқилиши ижро иши юритувида коррупцион муносабатлар юзага келишини олдини олишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Бинобарин, қабул қилинаётган қонуларнинг ўзида мансабдор шахсга чекланмаган ваколат белгиланиши қонунчиликда лоббизим аломатлардан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 01.05. 2023.
<https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири).
<https://lex.uz/acts/106197>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни, 29.08.2001 йилдаги 258-П-сон.
<https://lex.uz/docs/26477>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон. <https://lex.uz/docs/3088008>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги **Фармони**.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларитўплами. – 2017. – № 6.70-модда; – №20. 354-модда; – № 23. 448-модда; – №37. 982-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Марказини ташкил қилиш тўғрисида. ПҚ-3070-сон. **Қарори**, 20.06.2017 йилдаги <https://lex.uz/docs/3238614>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.11.2020 йилдаги ПФ-6118-сон **Фармони**. <https://lex.uz/docs/5124086>